

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.11.2018.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СИДДИҚОВА ШОХИДА ИСОҚОВНА

ЎЗГА ГАП СИНТАКСИСИ ВА ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in
philological sciences**

Сиддиқова Шохида Исоқовна

Ўзга гап синтаксиси ва лингвопоэтикаси.....3

Сиддикова Шохида Исоковна

Синтаксис и лингвопоэтика чужой речи.....23

Siddikova Shokhida Isokovna

Syntax and linguopoetics of foreign speech43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.11.2018.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СИДДИҚОВА ШОХИДА ИСОҚОВНА

ЎЗГА ГАП СИНТАКСИСИ ВА ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil648 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимов Муҳаммад Хўжаханович
филология фанлари доктори, профессор

Сапарниязова Муяссар
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.11.2018.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «10» июнь соат 14.00 мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871) 233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиелилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2019 йил «24» майда тарқатилди.

(2019 йил «24» майдаги 2 рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н. Кўчимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д.

Ё.Р. Одилов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.,
катта илмий ходим

Д.С. Худойберганова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, ф.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўзга гап синтаксиси, ўзга гап турларидан бўлган кўчирма, ўзлаштирма ва ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг лингвистик табиатига бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмаган. Сўнгги пайтларда ўзга гап турлари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар кўпайиб бормоқда, унинг матн таркибида ўринлашиши муаммоси кўп вақтлардан бери тадқиқотчиларнинг диққат марказидан тушмай келади. Тил тадқиқида матн ва унинг ўзига хос ўзга гап турларининг таркибий тузилишини антропоцентрик планда аниқлаш, ўзга гапларнинг прагматик ва лингвопоэтик хусусиятларини очиқ беришга умумий тилшуносликда катта эътибор берилмоқда.

Дунё тилшунослигида лисоний бирликларнинг лингвистик табиатини имманент ҳолатда эмас, балки бу бирликлар қўлланган нутқий вазият, муайян матн доирасида ўрганиш орқали янги хулосаларга келиш имконияти борлиги тан олиб бўлинди. Шу маънода ўзга гап ва унинг турларини ҳам муайян матн доирасида тадқиқ қилиш, коммуникатив-прагматик ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш, ўзга гапларнинг лингвопоэтик имкониятларини очиқ бериш, кўчирма гапли кўшма гапларнинг кўшма гаплар тизимида тутган ўрнини миллий тиллар мисолида белгилаш тилшуносликдаги долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик даврида қўлга киритилган муваффақиятлар, илм ва фан, адабиёт ва санъат, маданият ва маънавият, ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар, эришилган ютуқлар кўламини, мустақиллик ғояларини ёш авлод шуурига сингдириш мақсадида мамлакатимизда таълим тизимида алоҳида эътибор кучайтирилди. Ўзбек тилининг турли сатҳларини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор ютуқларга эришилган бўлса-да, ҳали амалга оширилиши лозим вазифалар бениҳоя кўп. Ана шулардан бири ўзбек тилидаги ўзга гап синтаксиси ва лингвопоэтикасини ўрганиш масаласи бўлиб, тилшуносликда бу масала бўйича айрим ишлар қилинган. Лекин уларда ўзга гапларни бадий матнга олиб кириш усуллари, ўзга гап кўринишларининг коммуникатив-синтактик ва лингвопоэтик имкониятлари етарлича аниқланмаган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «...таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш»¹ га алоҳида эътибор қаратилган. Шубҳасизки, таълим тараққиётини тилнинг ўзига хос теран қонуниятларини янада чуқурроқ ўрганишсиз, унинг бевосита табиатига хос жиҳатларнинг холис талқинларисиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, ўзга гап ифодаланишининг барча кўринишлари ва уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони / Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2017. – Б.74.

ўзига хос хусусиятларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ва, албатта, матн доирасида махсус ўрганишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4947-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги , Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги ВМҚ-304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий–маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон, хусусан, ғарб тилшунослигида ўзга гап ва унинг матнда берилиши муаммосига А.Тоблер, Ш.Балли, Э.Бенфилд, М.Флудерник, Т.Калепки, Э.Лорх каби олимлар эътиборни қаратганлар.²

Рус филологиясида эса И.В.Арнольд, Н.Д.Арутюнова, В.В.Бабайцева, М.М.Бахтин, Н.С.Валгина, И.Р.Гальперин, А.Н.Гвоздев, И.Б.Голуб, Н.В.Максимова, А.М.Пешковский каби тилшуносларнинг бу борадаги илмий қарашлари жиддий қимматга эга.³

А.Н.Кононов, Х.Р.Курбатов, М.Мураталиев, А.Нурмаханова сингари туркийшуносларнинг бу муаммо бўйича илгари сурган талқинлари алоҳида эътиборга молик. Бу талқинлар ўзга гапларнинг туркий тиллардаги ўзига хосликлари, уларнинг илдизлари борасида диққатга сазовор фикрларни ўзида жамлаган.⁴

² Блинова О.А. Несобственно-прямая речь в английском языке: эволюция взглядов в западной лингвистике (1912 – 2012) // Вестник Новосибирского ГУ. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. –2012. Том 10, выпуск 2. – С.93 – 102.

³ Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. –Ленинград: Просвещение, 1973; Арутюнова Н.Д. Диалогическая цитация (К проблеме чужой речи) // Вопросы языкознания. – 1986. – №1. – С.50 – 64; Бабайцева В.В. Русский язык. Синтаксис и пунктуация. – М.: Просвещение, 1979; Волошинов В.Н. (М.М. Бахтин) Основные проблемы социологического метода в науке о языке. – М.: Лабиринт, 1993; Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. –М.: Высшая школа, 1973; Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М.: Изд-во лит-ры на иностранных языках, 1958; Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. – М.: Просвещение, 1965; Голуб И.Б. Грамматическая стилистика современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1989; Максимова Н.В. "Чужая речь" как коммуникативная стратегия. Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2006; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. Изд. 8-е. –М.: Языки славянской культуры, 2001.

⁴ Кононов А.Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII – IX вв. – Ленинград: Наука, 1980; Курбатов А.Х. Прямая, косвенная и несобственная прямая речь в татарском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Казань, 1954; Мураталиев М. Прямая и косвенная речь в киргизском языке. – Фрунзе, 1954;

Ўзбек тилшунослигида М.Асқарова, Ғ.Абдурахмонов, А.Саидниёзов, А.Б.Абдуллаев, Х.Назарова, М.Шарипов, М.Иминов, М.Саидхонов, Б.Ўринбоев, О.Исроилов, Б.Йўлдошев, Н.Махмудов каби олимлар ўзга гаплар грамматикаси ва стилистикаси борасида тадқиқотлар олиб борганлар.⁵ Бирок ҳали ҳануз ўзга гапларнинг матний-прагматик моҳияти ва уларнинг коммуникатив-синтактик хусусиятлари, лингвопоэтик имкониятлари монографик тарзда етарли ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқотлар режасининг «Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида ўзга гапларни бадиий матнга олиб киришнинг асосий кўринишлари, уларнинг коммуникатив-синтактик ва лингвопоэтик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўз ва ўзга гап тушунчаларининг ўзаро қаршилантеририлишининг, улар ўртасидаги муносабатнинг моҳиятини ҳамда уларнинг бадиий нутқдаги ўрнини аниқлаштириш, ўзга гапнинг фақат грамматик эмас, балки матнга оид тушунча эканлигини, шунинг учун уни фақат матн доирасидагина ҳолис тадқиқ этиш мумкинлигини исботлаш;

ўзбек тилида бадиий матнда ўзга гапни ифодалашнинг асосий турларини белгилаш, бунда ўзлаштира ва ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг шаклланиши учун асос кўчирма гап эмас, балки ўзга гап эканлигини кўрсатиб бериш, шунингдек, бу турларнинг муайян коммуникатив-модал ва семантик-синтактик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда янада кичик гуруҳларга таснифлаш;

кўчирма, ўзлаштира ва ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг коммуникатив-синтактик хусусиятларини таҳлил қилиш;

кўчирма, ўзлаштира ва ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг бадиий матндаги лингвопоэтик қимматини аниқлаш;

Нурмахонова А. Прямая и косвенная речь в современном каракалпакском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд филол. наук. – М., 1954.

⁵ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973; Абдуллаев А. Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўчирма гапли конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1978; Саитниязов А. Конструкции с прямой речью в современном узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Назарова Х. Эски ўзбек ёзма ёдгорликларида кўчирма гапларнинг қўлланиши. – Тошкент, 1959; Шарипов М. Кўчирма ва ўзлаштира гап. – Тошкент, 1955; Саидхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2004. – №2. – Б.70 – 73; Иминов М. Ўзлаштира гап борми? // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. – №3. – Б.60 – 63; Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Самарқанд: СамДУ, 2001. Исроилов А. Чужая речь в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Ашхабад, 1971; Йўлдошев Б., Исроилов О. Ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадиий текстдаги ўрни. – Самарқанд: СамДУ, 1991; Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

бадий матнга ўзга гапнинг олиб кирилиши билан матнда кўп овозлилик, яъни полифония юзага келиши натижасида матн ҳам мазмуний ҳажмдорлик, ҳам ифодалилиқ, ҳам бадиият касб этишини далиллаш;

ўзбек тилида кўчирма ва ўзлаштира гапларнинг қадимдан мавжудлигини, ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар эса нисбатан кейин, хусусан, ўтган асрнинг иккинчи яримларидан бадий матнларда юзага келганлигини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги бадий матнлар таркибида қўлланган ўзга гаплар, хусусан, кўчирма, ўзлаштира ва ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилида ўзга гапларни бадий матнга олиб кириш усуллари, бадий матн таркибидаги ўзга гап кўринишларининг коммуникатив-синтактик ва лингвопоэтик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда қўйилган муаммони ёритишда тилшунослиқдаги тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, контекстуал таҳлил, лингвопоэтик таҳлил каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигида илк марта ўзга гапнинг реал ва нореал, диалогик кўчирма гаплар, бевосита ва билвосита ўзлаштира гаплар, одатдаги ва киритмали ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар турлари аниқланган;

ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар шаклий-грамматик белгисининг аниқ эмаслиги ва ностандартлиги исботланган;

ўзга гап иштироки матнда кўп овозлиликни юзага келтириши, ўзга гап кўринишларида субъектлар фаоллик даражасининг ҳар хиллиги, бадий матнда субъектлар коммуникатив муносабатларининг ҳамкорлиги кузатилиши очиб берилган;

бадий матнда ўз ва ўзга гап ҳамкорлиги ўзига хос лингвопоэтик қиммат билан намоён бўлиши, ўзга гап тушунчаси матнга оид тушунча бўлганлиги учун уни фақат гап доирасида аниқлаб бўлмаслиги асосланган;

ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг одатдаги ўзиники бўлмаган кўчирма гап ва киритмали ўзиники бўлмаган гапнинг лисоний-лингвопоэтик табиати илк бор очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан ўзбек тилшунослигида коммуникатив синтаксис, матн лингвистикаси, ўзга гапларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

ишда тўпланган материаллар ўзбек тили услубияти, матн таҳлили, бадий матннинг филологик таҳлили бўйича турли махсус курсларни ўқитишда ва ўқув қўлланмалар, магистрлик диссертацияларини ёзишда қўшимча манбалардан бири бўла олади.

тадқиқотдаги ўзга гап ва унинг асосий кўринишлари ҳамда уларнинг турлари борасидаги янгича талқинлар айрим дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги баъзи чалкашлиқларга ойдинлик киритишга кўмаклашади;

тадқиқотда умумлаштирилган кўчирма ва ўзлаштира гапларга дахлдор бир қатор қоидалар таълимда пунктуация меъёрларини тушунтириш ва аниқлаштиришда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, тавсифлаш, контекстуал таҳлил, лингвопоэтик таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, бадий матнда ўзга гап синтаксиси ва лингвопоэтикасини изоҳлашда ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилининг матн синтаксиси, стилистика, лингвопоэтика каби соҳаларига оид назарий қарашларнинг муайян даражада ривожланишига ва бойишига хизмат қилиши билан илмий аҳамиятга молик. Шунингдек, ушбу ишнинг илмий хулоса ва тадқиқ усуллари бошқа шундай ишларнинг яратилиши учун туртки бериши билан ҳам белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзга гап турларининг бадий матндаги фавкулудда ўрни коммуникатив-поэтик нуқтаи назардан аниқ белгиланганлиги билан ўзбек тили синтаксиси, стилистикаси, пунктуацияси, лингвопоэтикасига доир дарслик ва қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртларида маърузалар, махсус курслар ўтишда, амалий машғулотлар олиб боришда амалий қиммат касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзга гап синтаксиси ва лингвопоэтикаси мавзусида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

ўзга гапнинг матнга хос тушунча эканлигидан уни гап доирасидагина ўрганиб бўлмаслиги, деривацион жараён орқали нутқнинг муайян бирлиги асосида янгисининг яратилиши борасидаги фикрларидан, деривация синтактик сатҳда сўз бирикмаси, гап ва матннинг мазмуний моҳияти ўзгариши натижасида янги синтактик конструкциянинг ясалишини билдиришини далиллашда Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2007 – 2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 мартдаги 89-03-935-сон маълумотномаси). Натижада тил тараққиёти деривацион қонуниятларининг синтактик бирликлар ҳосил бўлишидаги амал қилиш ҳақидаги қарашлар такомиллашган;

тадқиқотчининг мураккаб мазмунни соддалаштириш мумкинлиги, кипчоқ лаҳжасида айрим товушларнинг қаттиқ айтилиши, жарангли товушларнинг жарангсизлашуви, жарангсиз ундошларнинг жаранглилашуви, бир сирғалувчи ундошнинг бошқа сирғалувчи ёки қоришиқ ундошга ўтиши, масалан, «нг» товушининг «нғ» тарзида, «ғ»нинг «й» тарзида, «й»нинг «ж» тарзида ўзгариши борасидаги қарашларидан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2012 – 2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА.2012–1–8 рақамли «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари» мавзусидаги фундаментал лойиҳасининг 1-, 2-, 3-жилдларини текстологик ўрганиш ва нашрга тайёрлаш

«Алпомиш», «Қиронхон», «Юсуф ва Аҳмад» дostonларини текстологик тадқиқ қилиш ҳамда нашрга тайёрлашда илмий-назарий манба сифатида фойдаланилган (ЎЗР Фанлар академиясининг 2019 йил 24 апрелдаги 3/1255-1251 сон маълумотномаси). Натижада *жийиб* сўзидаги «й»нинг «ж», «ғ»нинг «й»га, «б»нинг «п»га ўзгариши каби фонетик ўзгаришларнинг кичик лаҳжасига хос хусусият эканлигини асослашга ва бу орқали дostonлар матнидаги кўчирма гапли кўшма гаплардаги халқона ифодани сақлаб қолишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш chop этилган. Шулардан 8 та илмий мақола, жумладан, 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 8 та тезисда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ишнинг моҳиятини акс эттирувчи уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзга гап ва унинг нутқдаги ўрни муаммолари**» деб номланган бўлиб, унинг биринчи қисмида матнда ўз ва ўзга гап муносабати масалалари ёритилган.

Ўз гап матн муаллифининг ўзиники, ўзга гап эса матн муаллифига тегишли эмас, шу жиҳатдан улар бир-бирига зидланади. Аммо улар матн мақсадининг тўлиқ ва тиниқ, аниқ ва холис ифодаланишида ҳамкорлик қилади.

Ўзга гапни фақат грамматик ҳодиса сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидламоқ лозим. Аммо айрим тадқиқотчилар бу тушунчани айнан грамматик ҳодиса сифатида тушунадилар.⁶ Ҳолбуки, ўзга гапни фақат грамматик нуқтаи назардан баҳолаб бўлмайди, аслида у матнга хос тушунчадир, демак, уни фақат гап доирасида ўрганиш мушкул.

Айни пайтда, айниқса, бадий асарда матн яхлитлигича муайян муаллифга тегишли, демак, унда турли кўринишларда ифодаланган ўзганинг

⁶ Абдуллаев А. Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўчирма гапли конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.103.

гапи ҳам аслида ижодкор муаллифнинг ўзиники. Ўзга гап ва унинг турларини когнитив, прагматик, коммуникатив ва лингвопоэтик аспектларда ҳамда яхлит матннинг ташкил этувчиси сифатида ўрганиш мазкур ҳодисанинг моҳиятини тўлароқ очиш имкониятини беради.

Мазкур бобнинг иккинчи қисмида ўзга гапнинг асосий турларига тўхталинган.

Ўзга гапга берилган таърифларнинг аксариятида «ўзга шахснинг муаллиф баёнига киритилган гапи»⁷ тарзидаги тавсиф устуворлик қилади. Сўзловчи фикр ифодалаш жараёнида биргина ўз нутқи, яъни ҳикоячилик билан чегараланиб қолмайди. У ўз коммуникатив мақсади, нутқ жараёни, суҳбат мавзуси, мавжуд бадиий ёки нобадиий ифода имкониятидан келиб чиқиб, ўрни билан бошқаларнинг гапларидан ҳам фойдаланади. Ўзга гап термини остида тушунилувчи бошқаларнинг гапи сўзловчи ёки ёзувчи нутқига киритилган янги, семантик-структур жиҳатдан шаклланган, стилистик ёки лингвопоэтик қимматга эга бўлган нутқий парчалардир.

Ўзга гап муаммоси турли тилшуносликларда турли вақтлардан бери ўрганиб келинади. Фитратнинг биринчи нашри 1924 йилда амалга оширилган «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб: Наҳв» китобида тиниш белгилари («туриш белгилари»)дан бири – кўштирноқни тушунтирар экан, «Бир ёзғучи томонидан муҳим саналса, ёзғучи ўз-ўзлари орасида бошқа бир кишининг сўзларини ҳикоя қилса, англашилиши енгил бўлмаган отлар, атамалар бўлса, шулар тирноқлар ичра олинадир» деган қоида беради.⁸ Кўриниб турганидай, олим «ёзғучи ўз-ўзлари орасида бошқа бир кишининг сўзларини ҳикоя қилса» деганда, ўзга гапни, хусусан, унинг кўчирма гап туруни назарда тутган.

Туркийшуносликда ўзга гап, хусусан, кўчирма гаплар ва уларнинг синтактик табиатини белгилаш бўйича маълум бир ишлар амалга оширилган. Ўзбек тилшунослигида бу мавзунини махсус илмий тадқиқ этиш ўтган асрнинг биринчи ярмида бошланган бўлиб, бу даврда яратилган ишларда дастлаб кўчирма гаплар ва қўшма гаплар муносабатига кўпроқ эътибор қаратилган ва ўзга гапларнинг икки тури – кўчирма ва ўзлаштирма гаплар мавжудлиги қайд этилган.⁹

Ўзга гап ва унинг турлари ҳақидаги нисбатан батафсил дастлабки илмий мулоҳазалардан бири проф.М.Асқаровага тегишлидир.¹⁰

Дунё филологиясида алоҳида ўринга соҳиб М.М.Бахтиннинг бу борадаги фикрларига тадқиқотчилар кўп мурожаат қиладилар. М.М.Бахтин ўзигача бўлган, аввалги тадқиқотчилар ўзга гапни ўз гапдан тамоман ажратиб олиб ўрганганликларини, бу эса уларнинг асосий хатоси эканлигини қайд этади. Бундай ишларда тадқиқотнинг ҳақиқий предмети мазкур икки

7 Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б.137.

8 Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.212.

9 Said N., Yoldoshev A. Grammatika. 2-qism. – Toshkent: O'zdamnashr, 1936; Ғозиев Х. Ўзбек тили грамматикаси. II бўлим. Синтаксис. – Тошкент, 1940; Шарипов М. Кўчирма ва ўзлаштирма гап. – Тошкент, 1955.

10 Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961. – Б.258.

гапнинг, яъни «ифодаланувчи, берилувчи» («ўзга гап») ва «ифодаловчи» («муаллиф гапи») ўртасидаги ўзаро муносабат бўлмоғи кераклигини уқтиради, икки контекстнинг ўз-ўзича, алоҳида-алоҳида эмас, балки айти шу ўзаро ҳамкорликда мавжуд бўлиши, яшаши ва шаклланишига урғу беради.¹¹ Кўринадики, М.М.Бахтин бу муаммонинг матн ва матнлар орасидаги муносабатга дахлдор масала сифатида талқин қилади.

Ўзга гапни матнга олиб киришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд, улар орасида кўчирма, ўзлаштирма ва ўзиники бўлмаган кўчирма гап кўринишларини ажратиш аксарият тилшуносликларда анъанага айланган.

Ўзга, хусусан, кўчирма гапларни фақат грамматик талқин қилиш айрим янглишликларга ҳам олиб келган¹².

Ўзга гапнинг матнга олиб кирилиши билан матнда кўп овозлилиқ юзага келади ва бу ҳол матнга ҳам мазмуний ҳажмдорлик, ҳам ифодалилик, ҳам бадиият бахш этади. Филология тарихида бу масалага биринчилардан бўлиб эътиборни қаратган М.М.Бахтин мазкур ҳодисани «полифония» номи билан атаган. Унинг 1929 йилда нашр қилинган асарида мазкур мукаға оид термин биринчи марта метафорик маънода бадиий матндаги айти ҳодисага нисбатан қўлланган¹³.

Ўзга гап ифодасининг кўринишларида субъектларнинг фаоллик даражаси фарқли бўлади. Масалан, кўчирма гапда уни сўзловчи субъект – персонаж нутқ жараёнида иштирок этади; ўзлаштирма гапда сўзловчи субъект – персонаж нутқ жараёнида иштирок этмайди; ўзиники бўлмаган кўчирма гапда сўзловчи субъект – персонаж нутқ жараёнида қисман иштирок этади. Умуман, ўзга гапни бадиий матнда ифодалашнинг бир қанча кўриниш ва усуллари мавжуд бўлса-да, уларнинг энг кенг тарқалган қуйидаги уч асосий кўринишини фарқлаш мақсадга мувофиқ: 1) кўчирма гап; 2) ўзлаштирма гап; 3) ўзиники бўлмаган кўчирма гап.

Мазкур бобнинг навбатдаги бўлимида кўчирма гап ва унинг коммуникатив-синтактик хусусиятлари тадқиқ этилган. Тилшуносликда «ўзга гап» тушунчаси остида қаралувчи гапнинг энг ёрқин кўринишларидан бири кўчирма гаплар ҳисобланади. Кўчирма гапларга ўзбек, рус ва бошқа тилшуносликларда берилган таърифларнинг деярли барчасида «нутқда ўзганинг ўзгартиришсиз берилган гапи» тарзидаги қоида устуворлик қилади. Албатта, мазкур таърифларнинг барчаси, асосан, грамматик талқин заминида юзага келган. Уларда коммуникатив-прагматик моҳият айтирли иноватга олинган эмас. Муаммога коммуникатив-прагматик жиҳатдан ёндашилганда, аён бўладики, ўзга гап ифодасининг ёрқин кўринишларидан бири бўлмиш кўчирма гапда субъектларнинг фаоллик даражаси кучли бўлади, яъни кўчирма гапда уни сўзловчи субъект – персонаж муаллиф билан бир қаторда нутқ жараёнида бевосита иштирок этади.

¹¹ Волошинов В.Н. (М.М. Бахтин) Основные проблемы социологического метода в науке о языке. – М.: Лабиринт. – Б.129.

¹² Масалан қар: Абдуллаев А. Кўрсатилган асар. – Б.105.

¹³ Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М., 1979. – С.6.

Кўчирма гап шаклидаги ифода ҳамиша ҳам айнан, реал талаффуз қилинган нутқ бўлавермаслиги мумкин. Шунинг учун кўчирма гапларнинг, аввало, икки турини фарқлаш мақсадга мувофиқ, яъни: 1) реал кўчирма гап, яъни бевосита талаффуз қилинган нутқ мақомидаги гап (масалан: *Йигит сўради: – Ким келди?*) ва 2) нореал кўчирма гап, яъни мазмунан қаҳрамоннинг ўй-хаёли, ички кечинмаси, ички фикр-мулоҳазаси тарзидаги, бевосита талаффуз қилинмаган гап (масалан: *Йигит «Ким келди?» деб ўйлади*).

Умуман, кўчирма гапларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатдан реал, нореал ва айна пайтда диалогик каби уч турини фарқлаш мақсадга мувофиқ. Кўчирма гапларнинг бутун мазмуний-синтактик ва коммуникатив хусусиятлари ҳам айна шу уч турда яққол намоён бўлади.

Кўчирма гапларнинг лингвопоэтик хусусиятлари мазкур бобнинг сўнгги қисмида ўрганилган.

Буюк адиб Чингиз Айтматовнинг «Тил халқнинг автопортретидир»¹⁴ деган гапида тилнинг этнолингвистик ва лингвопоэтик моҳияти бениҳоя бадиийат билан ифодаланган. Албатта, муайян нутқий манерада муайян шахснинг, яхлит тилда эса бу тил эгаси бўлган бутун халқнинг сийрату қиёфаси акс этар экан, шубҳасиз, нутқий манера ҳам, яхлит тил ҳам лингвопоэтик имкониятларнинг туганмас захирасидир. Ана шу мулоҳазалар назарда тутиладиган бўлса, ўзга гап, хусусан, кўчирма гапнинг бадиий-эстетик, демакки, лингвопоэтик имкониятлари беқиёс каттадир. Уста ёзувчилар одатда ўзига хос жиҳатларни қаҳрамонлар нутқида бериш орқали ортикча тавсифдан қутуладилар.

Табиийки, муаллиф нутқи ва қаҳрамон нутқи бадиий баёнда «икки услубий марказ» сифатида турли сатҳларда турса-да, қайси бир ўринда қаҳрамон нигоҳи (плани) муаллиф нигоҳи(плани)га қаршилланган ҳолда намоён бўлса, қайси бир ўринда бу нигоҳлар бир-бири билан муштараклашади, айтиш мумкинки, муаллиф ва қаҳрамон нигоҳлари ифодаланишининг турли шакллари, уларнинг алмашилишлари, зидланишлари, яқинлашувлари бадиий баённинг мураккаб поэтик манзарасини яратади.¹⁵

Умуман, кўчирма гапларда айна гап эгасининг фаоллиги ёрқин сезилиб туради, бу даража, айниқса, реал ва диалогик кўчирма гапларда юқорироқ бўлади, нореал кўчирма гапларда эса бундай фаоллик даражаси бир қадар паст бўлади.

Кўчирма гап қаҳрамоннинг ёш жиҳатдан тавсифланиши учун хизмат қилиши мумкин. Боланинг ёшига дахлдор бир қанча жиҳатларни бадиий таъкидлашда кўчирма гаплар алоҳида лингвопоэтик қиммат касб этади. Масалан: *Бола анчагача уйқу зашлиги билан йиғлади, кейин отасининг газабидан, онасининг аҳволдан қўрқиб, кампир ўргатганча дуо қилди:*

¹⁴ Айтматов Ч. Слово об Ауэзове. – В книге: Собрание сочинений в семи томах. Том седьмой. – М., 1998. – С.75.

¹⁵ Горшков А.И. Языковые процессы современной русской художественной литературы. Проза. – М.: Наука, 1977. – С.98.

– *Худоё аямди дайдиға даво бейгин...* (А.Қаҳҳор. «Бемор») Парчада боланинг нутқи, унинг талаффузидаги дефект алоҳида лингвопоэтик қимматга эга. Абдулла Қаҳҳорнинг беназир маҳорати билан айна шу биргина кўчирма гап воситасида чорасиз мурғак гўдак илтижоси, таваллосининг беҳад тўлиқ, ҳатто овозли расми чизилган.

Кўчирма гап қаҳрамоннинг ёш, ҳудудий ва миллий мансублик, ижтимоий мақом, гендер ва бошқа жиҳатлардан тавсифланишида алоҳида лингвопоэтик вазифани ўз устига олади.

Реал кўчирма гаплар қўлланганда, бадиий асарда полифония аниқ эшитилиб туради, диалогик кўчирма гапларда эса муаллиф овози бевосита эшитилмайди, асосан, қаҳрамонлар нутқи асосида полифония юзага келади.

Нореал кўчирма гапларда эса муаллиф гапи аниқ эшитилади, аммо персонажнинг гапи кўпроқ ўй-хаёл ифодаси бўлгани, кучсизлангани, номинатив ифодага томон силжигани учун аниқ талаффуз сифатида эшитилмайди, балки кучли ҳиссий идрок қилинади. Бу ҳам ижодкорнинг бадиий ниятига уйғун равишда лингвопоэтик таъкидни юзага келтиради.

Диссертацияда бу борадаги хилма-хил ҳолатлар фактик мисоллар асосида батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзлаштира гап синтаксиси ва лингвопоэтикаси**» деб номланган иккинчи боби ўзга гапнинг бу турига хос коммуникатив-синтактик ва лингвопоэтик хусусиятлар тадқиқи бағишланган.

Ҳар қандай ўзлаштира гапнинг семантик асосида, албатта, ўзганинг гапи ётади, аммо ўзганинг гапи айнан, яъни қандай бўлса шундайлигича, ифодаланадиган шакл кўчирма гап бўлганлиги учун ўзлаштира гап кўчирма гап асосида юзага келади тарзидаги тасаввур пайдо бўлади ёки ўзлаштира гап, камида, шундай тасаввур қилинади. Масалан, О.И.Москальская қайд этганидек, айрим олимлар ўзлаштира гапни кўчирма гапга нисбатан иккиламчи тузилма эканлигини, яъни кўчирма гапни қайта тузиш маҳсули эканлигини айтадилар,¹⁶ лекин бу янглиш талқиндир. Америка генератив грамматикаси етакчиларидан бири Э.Бенфилд ҳам кўчирма гапни ўзлаштира гапга (ёки аксинча) грамматик трансформация йўли билан айлантириш мумкин эмаслигини ва моҳиятан кўчирма ва ўзлаштира гап бир-биридан мутлақо фарқли грамматик ҳодисалар эканлигини исботлаб берган.¹⁷ Ўзбек тилшуноси А.Б.Абдуллаев ҳам «ўзлаштира гап ўзга гапни ифода қилувчи мустақил, алоҳида форма эканлиги»¹⁸ни таъкидлайди.

Мазкур бобнинг дастлабки қисмида ўзлаштира гапларнинг коммуникатив-синтактик хусусиятлари ўрганилган.

Ўзлаштира гапларда асосий ҳолатларда ўзга гапнинг субъекти нофаол, муаллиф гапининг субъекти эса ҳар жиҳатдан фаол ҳолатда бўлади, яъни яхлит ўзлаштира гапнинг эгаси муаллифнинг ўзи бўлади. Коммуникатив жиҳатдан персонаж эмас, балки бевосита муаллиф субъекти етакчилик қилади. Персонажнинг овози фақат ўзлаштира гапда кўчирмалик унсури

¹⁶ Москальская О.И. Грамматика текста. – М.: Высшая школа, 1981. – С.128.

¹⁷ Бу ҳақда қар.: Блинова О.А. Кўрсатилган мақола. – Б.98.

¹⁸ Абдуллаев А.Б. Кўрсатилган асар. – Б.10.

мавжуд бўлган ҳолатлар (ёзувда муайян қисмининг ўзга гап эканлиги қўштирноқ билан таъкидланган)да қисман сезиларли бўлади, ўрни билан унинг овози эшитилгандек тасаввур уйғотади. Албатта, бундай ҳолатларда ўзлаштирма гапнинг лингвопоэтик қиммати ортади.

Ўзбек тилида эса ўзлаштирма гапларнинг синтактик структураси, асосан, содда гап мақомида бўлади. Аммо баъзан қўшма гап шаклидаги ўзлаштирма гаплар ҳам кўзга ташланади. Масалан: *У жувонмарг айтдики, Матлуба чиққанида вазоҳати жуда ҳам ёмон экан* (Т.Малик. «Мурдалар гапирмайдилар»).

Ўзбек тилида *Дейдиларки, бир неча йил бурун Мизбек соҳибнинг ўзлари Фарангистонга бориб, кўп йилларга етадиган даволар, шифохонанинг мукамал ашёларини келтирган эмишлар* (Т.Малик. «Савоҳил») синтактик қолипдаги гаплар ҳам мавжуд. Уларда ҳам ўзганинг гапи ўзлаштирилиб берилганлигини сезмаслик мумкин эмас. Бунда, албатта, *эмиш* тўлиқсиз феъл шакли, *дейдиларки* каби ифодаларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, ўзлаштирма гапнинг шаклланганлиги ҳам коммуникатив-синтактик, ҳам текстуал-семантик қимматга эга.

Ўзбек тилидаги ана шундай *эмиш*, *-миш*, *айтишларича* каби бирликлар иштирокида ўзга гап ифодаланган гапларни ўзлаштирма гапларнинг алоҳида тури сифатида қараш лозим. Ана шунга кўра, ўзбек тилидаги ўзлаштирма гапларни 1) бевосита ўзлаштирма гаплар ва 2) билвосита ўзлаштирма гаплар тарзида икки турга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Муаллифнинг ўзи бевосита, тўғридан-тўғри эшитган ўзганинг гапини ўз нуқтаи назаридан матнга олиб кириши натижасида шаклланган ўзлаштирма гапни бевосита ўзлаштирма гап деб (масалан: *У катта бегимларга уялибгина салом берди-да, ҳазратни уйғотишга журъат этолмаганини айтди* (П.Қодиров. «Юлдузли тунлар»)), ўзганинг гапини тўғридан-тўғри эмас, балки бировдан (маълум ёки номаълум шахсдан) эшитиб, муаллиф томонидан ўз нуқтаи назари билан матнга олиб кирилиши натижасида шаклланган ўзлаштирма гапни эса билвосита ўзлаштирма гап деб (масалан: *Эшитишимча, куёвимиз нима баҳона биландир чет элга кетиб қолганмиш* (Э.Аъзам. «Жаннат ўзи қайдадир»)) ҳисоблаш мумкин. Бевосита ўзлаштирма гаплар ва билвосита ўзлаштирма гаплар нафақат мазмун, балки коммуникатив-синтактик структура жиҳатидан ҳам ўзига хосликларга эга.

Мазкур бобнинг иккинчи қисмида ўзлаштирма гапларнинг лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Таниқли рус услубшуноси И.Б.Голуб «ўзлаштирма гапларнинг ёзувчи, публицист учун нечоғлик катта қимматга эга эканлигини тан олмаслик тўғри бўлмаслигини» алоҳида қайд этадики¹⁹, бу фикрга қўшилмаслик мумкин эмас. Албатта, олим ўзлаштирма гаплардаги лингвопоэтик имкониятларни назарда тутиб, ана шундай хулосага келган.

Ўзбек тилшуноси Ҳ.Рустамов ҳам ўзлаштирма гап стилистикаси муаммосини баён қилар экан, «кўчирма ва ўзлаштирма гап орасида

¹⁹ Голуб И.Б. Грамматическая стилистика современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1989. – С.202.

синонимия – параллелизм мавжуд»лигини, «кўчирма гап ўзлаштира гапга ўзига хос грамматик қонун-қоидалар ва стилистик талаблар асосида айлантирилиши»ни алоҳида таъкидлаб кўрсатади.²⁰ Тўғри таъкидлаб кўрсатилганидай, ўзга гапни матнга олиб киришнинг мавжуд усулларида муайян бирини, хусусан, ўзлаштира гап шаклини танлаш, бошқача қилиб айтганда, муайян фикрни ифодалаш учун, айтайлик, кўчирма гапдан эмас, балки айнан ўзлаштира гапдан фойдаланишнинг асосида стилистик ёки бадиийликка эришиш мақсади ётади.

Тўғри, ўзлаштира гапларнинг лингвопоэтик имкониятларини кўчирма гаплардаги билан тенглаштириб бўлмайди, кўчирма гаплардаги лингвопоэтик имкониятлар жуда кенг ва ранг-барангдир. Аммо бундай фикр ўзлаштира гапларда ҳам лингвопоэтик имкониятлар мавжудлигини, бу имкониятлар ижодкор учун бадиийтни таъминлашнинг яна бир ўзига хос захираси эканлигини асло инкор этмайди.

Бадиий матнда кўчирма гапларнинг кетма-кет, сидирға келавериши ҳам ифодаларнинг синтактик-структур жиҳатдан бир туслигини келтириб чиқаради. Ижодкор ана шу бир туслиликка барҳам бериш мақсади билан ҳам ўзга гапни матнга олиб киришнинг турли усулларига, хусусан, ўзлаштира гапларга мурожаат қиладики, бу ҳолат ҳам бадиий матнда ўзига хос лингвопоэтик қимматга эга бўлади: *Қўл қовуштириб тикка турган мулла Фазлиддин доругага яқинроқ келди:*

– *Менинг бошқа гумоним бор, жаноб доруга, – деди. Сўнг Аҳмад Танбалнинг сурат чиздирмоқчи бўлганини, рад жавоби олганда эса аччиқланиб кетганини айтиб берди* (П.Қодиров. «Юлдузли тунлар»).

Маҳоратли ёзувчилар баъзан ўзлаштира гапларда ўзга гап эгаси (қаҳрамон) нинг овозини, унинг нутқининг муайян қисмини айнан сақлашга ҳам ҳаракат қиладиларки, бунда ҳам яхлит ўзлаштира гапнинг лингвопоэтик қиммати ортади.

Лингвопоэтик имкониятлар билвосита ўзлаштира гапларда яна ҳам кенгрок. Билвосита ўзлаштира гапларда эшитилганлик, тахмин ва шу каби маънолардан иборат коммуникатив-модал муносабат жуда ҳам ёрқин ифодаланади.

Маълумки, *демоқ (айтмоқ)* феъли *эшитмоқ* феъли билан ассоциатив бирлик, тўғрироғи, ассоциатив зидликни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, айтувчи ва эшитувчи бир-бири билан ассоциатив боғлиқ, ўзлаштира гаплар доирасида гапирадиган бўлсак, мантиқан айтувчи ўзга гапнинг эгаси, эшитувчи эса ўзга гапни ўзлаштирувчидир. Таъкидлаш мумкинки, *айтмоқ* ва *эшитмоқ* феълларининг субъектлари нутқий мулоқотнинг икки қарама-қарши кутбида жойлашади. Шунинг учун таркибларида *айтишадик* ва *эшитдимки* кириш гаплари мавжуд бўлган ўзлаштира гаплар ўзаро қиёсласак, ҳар икки гапнинг ҳам лингвопоэтикаси ўзига хос эканлигини сезиш мумкин.

²⁰ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.222.

Диссертацияда ўзлаштирма гапларнинг ҳар икки тури билан боғлиқ лингвопоэтик хусусиятларнинг бир қатор хусусий кўринишлари фактик мисоллар асосида батафсил кўрсатиб берилган.

Ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар ўзга гаплар сирасида ва, айниқса, бадий матн доирасида алоҳида ўрин тутати, улар ишнинг **«Ўзиники бўлмаган кўчирма гап синтаксиси ва лингвопоэтикаси»** деб номланган учинчи бобида тадқиқ этилган.

Ғарб тилшунослигида ўзиники бўлмаган кўчирма гап муаммоси ўрганила бошлаганига юз йилдан ошди. Бугун тилшуносликнинг стилистика, прагматика, нарратология, матн лингвистикаси, грамматика каби турли соҳа ва йўналишлари доирасида ўрганилаётган ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар масаласи билан боғлиқ ғарб филологиясидаги изланишлар тадрижининг батафсил таҳлилий шарҳини берган тилшунос О.А.Блинова «швейцар тилшуноси Ш.Баллининг мазкур мавзуда 1912 йилда эълон қилинган дастлабки мақоласидан буён юз йил ўтган»лигини қайд этади. Ш.Балли ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар «фақат грамматик шаклгина эмас, айти пайтда фикр шакли ҳам эканлиги»ни таъкидлайди, немис тилшуноси Э.Лерх ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг стилистик имкониятларига алоҳида эътиборни қаратади, масалан, бундай гапларнинг баёнга жонлилик бахш этишига урғу беради.²¹

М.М.Бахтин кўчирма ва ўзлаштирма гаплар қаторида ўзиники бўлмаган кўчирма гап ҳодисаси ўзга нутқни ифодалашнинг ўзига хос алоҳида шакли эканлиги биринчи марта А.Тоблер томонидан кўрсатилган бўлса-да, унинг талқинида янглишлик борлигига ҳам эътиборни қаратади. А.Тоблер ўзиники бўлмаган кўчирма гапни «кўчирма ва ўзлаштирма гапни ўзига хос тарзда қўшиш, қориштириш («смешение»)» натижасидаги ҳодиса сифатида талқин қилган. Бундай талқин муносабати билан М.М.Бахтин ёзади: «Аммо «қўшиш, қориштириш» («смешение») сўзи мазкур тавсифда мутлақо ўринсиз, чунки у «қориштириш натижасида ҳосил бўлган» деган генетик хулосани англатадики, буни исботлашнинг ҳеч бир имкони йўқ. Ҳатто соф тавсифий нуқтаи назардан ҳам нотўғри, чунки бизнинг кўз ўнгимизда икки шаклнинг оддий механик қориштирилиши ёки арифметик қўшилиши эмас, балки ўзганинг нутқини фаол идрок қилишнинг тамоман янги, ижобий тамойили, муаллиф ва ўзга нутқ ҳамкорлиги динамикасининг махсус йўналиши намоён бўлмоқда... Биз кўрдикки, ўзга гапнинг муаллиф контекстида бекор яшириниб ётган ҳаракати айти контекстда ўзига хос грамматик ва стилистик ҳодисаларни юзага келтиради. Аммо бу ўзга нутқнинг бошқача модификациясидир. Ўзиники бўлмаган кўчирма гап, гарчи икки юзли Янусга ўхшаса-да, аниқ-ошкора нутқдир».²²

Ўзбек тилшунослари Б.Йўлдошев ва С.Исроиловлар ўзиники бўлмаган кўчирма гапларни анчайин холис ва батафсил ўрганганлар ҳамда бу ҳодисани номлашда тилшуносликларда қўлланаётган терминлар ҳақида

²¹ Батафсил қар: Блинова О.А. Кўрсатилган мақола. – Б.94.

